

REGIONS ECONOMETRIC MODELING OF INVESTMENT AND INNOVATIVE DEVELOPMENT

Umirov Islombek Furkatovich

Samarkand State University, Master's Degree Of Economic Theory

Abstract

In the current context of strategic economy, economic and statistical analysis of the economy of the country, especially its regions, is very important. Examples of this are the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan PF-4947 of February 7, 2017 "On the Strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan" and August 8, 2017 "On measures to accelerate the socio-economic development of the regions." Resolutions No. 3182 specify the issues aimed at the complex, balanced, socio-economic and investment and innovative development of regions, districts and cities as a priority.

Статистик ҳамда эконометрик таҳлил усуллари мамлакат ва унинг минтақалари иқтисодиётини баҳолашда кенг қўлланилади. Лекин, ушбу таҳлилнинг услубий ва ташкилий имкониятлари мамлакат, айниқса минтақалар иқтисодиётини ривожланишини ўрганишда самарали фойдаланилмаяпти. Бу ҳолат уларнинг янада социал-иқтисодий ривожланишига халал бермоқда. Ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан бири ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, илмий талабчан тармоқларни кўтариш ҳисобидан жаҳон бозорида рақобатдошликка эришиш учун инновацион ривожланиш йўлига ўтишдир. Инновацион йўл янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўллашни, инвестиция киритишни, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашни, мамлакат иқтисодиётида таркибий силжишларни амалга оширишни тақозо этади. Мамлакат иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Юқорида айтиб ўтилган масалаларни статистик таҳлил қиласиз ва эконометрик моделлаштирамиз, қуйидаги фикрлар уларнинг назариясига эмас, балки статистик амалиётига ҳам тегишли. Айниқса мамлакатнинг минтақадаги инвестицион ва инновацион вазиятини, шу жумладан уларнинг ривожланиш истиқболларини ўрганишдан

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

иборатдир. Статистик ва эконометрик билимлар учун асосий натижалар минтақаларнинг инвестицион ва инновацион салоҳиятининг меъёрий ҳамда таҳлилий моделидир. Илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш, хусусий тадбиркорлар ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик, кичик ва ўрта инновацион бизнеснинг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш инновацион фаолиятни кенг ривожлантиришнинг муҳим шартлари дидир. Шуни таъкидлаш керакки, дунёнинг ривожланган давлатларида янгиликларнинг қарийб ярми, ташкилотлар ва кичик ҳамда ўрта бизнес фирмалари томонидан амалга оширилмоқда. Чунончи, АҚШ Миллий илм-фан фонди маълумотларига кўра, кичик фирмаларда ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар сони сарф-харажатлар бирлиги бўйича ўрта ва йирик фирмаларга қараганда анча кўпдир. Бундан ташқари, кичик фирмалар янгиликларни жадал ўзлаштириш ва истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам йирик фирмаларга қараганда тахминан учдан бир баробар илгарила бетган.

Университет ва техника институтлари ишлаб чиқариш компаниялари ва фирмалар билан биргалиқда патентланган ишланмада ўз иштироки улушкини белгилаб тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга оширгандагина илм-фан ҳамда ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни катта самара беради. Европа патент идораси томонидан берилган барча халқаро патентларнинг 85 фоизи айнан шундай ҳамкорликдаги ишланмалар улушкига тўғри келиши ҳам бежиз эмас. Мамлакатимизда минтақаларнинг ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот(иш, хизмат)лар ҳажмини йилдан-йилга ошиб бораётгани таҳсинга сазовор албатта. Аммо Республикада минтақаларнинг ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот(иш, хизмат)лар ҳажмини улушкини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар томонлама ривожланган инновацион тизимга эга мамлакатлардагина инновация жараёнлари самарали амалга оширилиб, технологиялар ва бошқа илм талаб маҳсулотлар тижоратлаштирилмоқда. Бу жараёнда давлатнинг иштироки, иқтисодиётнинг реал сектори ва етакчи компанияларнинг инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Зоро, илм-фан давлатнинг техник тараққиёти ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлайдиган ушбу интеграция механизмининг асосини ташкил қиласиди.

Кўп моделлар одатда бир ўлчовли тузилмага эга. Бироқ амалиётда кўпинча икки ўлчовли иқтисодий маълумотлар(тузилмалар) билан иш кўрилади. Бунда ўлчов бирликларидан бири алоҳида иқтисодий бирликларга тегишли, иккинчиси эса у ёки бу вақт пайтига тегишли бўлади. Шунга ўхшаш икки ўлчовли статистик тўпламлар кўп сонли объектларни

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

қандайдир вақт даври давомида кузатишни ўтказишида пайдо бўлади. Икки ўлчовли маълумотлар асосида тузилган моделлар эконометрикада PANEL DATA REGRESSION MODELS (инглиз тилида) деб аталади. “PANEL” атамаси инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда – “Рўйхат” деган маънони англатади.

Бундан ташқари рўйхатли маълумотларнинг (PANEL DATA) манбалари сифатида куйидаги кузатишларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

- АҚШнинг Мехнат бюроси статистикаси (National Longitudinal Surveys (NLS)) кузатишлари;
- АҚШнинг Мичиган университети (Panel Study of Income Dynamics (PSID)) кузатишлари;
- Россия аҳолисининг соғлиғи ва иқтисодий аҳволини мониторинг (Российский мониторинг экономического положения и здоровья населения (РМЭЗ)) кузатишлари.

Рўйхатли маълумотларнинг регрессион модели (PANEL DATA REGRESSION MODELS) вақтли қаторлар регрессиясидан ёки маконга оид регрессиясидан фарқланади. Унинг ўзгарувчилари иккита қути индексга эга, яъни:

$$y_{it} = \alpha + x'_{it} \beta + u_{it}$$

бу ерда i – кузатиладиган обьектни тартиб рақами, t – вақт пайт(давр)и, α – озод хад, β – регрессия коэффициентлари вектори, $x'_{it} = (x'_{1it}, x'_{2it}, \dots, x'_{kit})$ эркли ўзгарувчининг қатор матрицаси вектори.

Кўпинча рўйхатли маълумотларни (PANEL DATA) тадбиқида бир компонент(ташкил этувчи)ли тасодифий хато моделидан фойдаланилади:

$$u_{it} = f_i + \varepsilon_{it}$$

бу ерда f_i – кузатилмайдиган индивидуал таъсирлар, ε_{it} – қолдик тасодифий хатолар.

Бунда f_i вақтга боғлиқ бўлмайди ва регрессия тенгламасига киритилмаган обьектларнинг характеристикалари(белгилари)ни ифодалайди.

Хусусан, иқтисодий бирликларнинг кузатилмайдиган индивидуал таъсирларини ҳисобга олишда иккита ёндашувдан фойдаланилади.

Биринчиси, белгиланган таъсирли модел (*fixed effect model — FE*), f_i индивидуал таъсирлар моделнинг белгиланган ноъмалум параметрлари сифатида қаралади. Бу модел қуйидаги асосий фаразларни қаноатлантириши талаб қилинади:

- x'_{it} – белгиланган регрессирлар қийматининг қатор вектори;
- a_i – озод хад;

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

- b – регрессия коэффициентининг устун вектори;
- ε_{it} – классик чизиқли регрессия моделини шартларини қаноатлантиради, хусусан нормал тақсимланган ҳамда x'_{it} (эркли ўзгарувчилар) билан кореляцияланмаган.

$$y_{it} = x'_{it} b + a_i + \varepsilon_{it}$$

Бунда a_i – озод ҳадлар вақт ўтиши билан индивидуал хусусиятларни ифодаловчи кузатилмайдиган ўзгарувчиларни акс эттиради.

Белгиланган таъсирили модель (*fixed effects model*) матрица кўринишида қўйидагича ифодаланади.

$$y = x * b + z * A + \varepsilon$$

(NT,1) (NT,K) (K,1) (NT,N) (N,1) (NT,1)

Бу модельнинг параметрларини баҳолаш учун энг кичик квадратлар усулидан (Least – Squares Dummy Variable (LSDV)) фойдаланиш мумкин, натижада параметрлар учун қўйидаги баҳо олинади.

LSDV =

Махсус адабиётларда у регрессия тенгламасига киритилган фиктив (эркак, аёл) ўзгарувчили энг кичик квадратлар усулиниң баҳоси деб аталади.

Иккинчидан, тасодифий таъсирили модель (*rondon effect model – RE*), f_i индивидуал таъсиirlар моделининг тасодифий миқдорлари сифатида қаралади ва улар қолдик ҳадлар билан кореляцияланмаган. Бу модельнинг матрица кўриниши қўйидагича:

$$y = x * b + u$$

(NT,1) (NT,K) (K,1) (NT,1)

Бунда:

бу ерда Кронекер символи.

Агар юқорида келтирилган фаразлар бажарилса, модельнинг параметрлари учун умумлашган энг кичик квадратлар усулида (Generalized Least Squares (GLS)) олинган баҳолар силжимаган хисобланади:

GLS

Рўйхатли маълумотлар (PANEL DATA) хар хил тузилмага эга бўлиши мумкин. Масалан, хар бир вақт пайти учун мавжуд иқтисодий бирликлар йўқолмаса ва янги бирликлар пайдо бўлмаса, рўйхатли маълумотлар (PANEL DATA) балансланган, акс ҳолда, вақтни барча пайлари учун эмас, мавжуд иқтисодий бирликлар йўқолса ва янги бирликлар пайдо бўлса балансланмаган маълумотлар деб аталади. Балансланмаган танланмаларда хар хил вақт

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

пайтларида турли иқтисодий бирликлар кузатилади. Бундай маълумотлар сохта рўйхатли маълумотлар (PANEL DATA) деб аталади.

Рўйхатли маълумотларни ишлов бериш STATA пакети(дастури) ёрдамида амалга оширилди.

Бунинг учун биринчи навбатда ўзгарувчиларни натурал логорифмга айлантирамиз.

Натижавий белги: y (ишилаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми)

$$\ln(inv.mah.) = \log(inv.mah.)$$

Омил белги: x_1 (инновацияга қилинган харажатлар)

$$\ln(inv.xar.) = \log(inv. xar.)$$

Омил белги: x_2 (асосий капиталга киритилган инвестициялар)

$$\ln(inves.) = \log(inves.)$$

Рўйхатли маълумотлар (PANEL DATA) асосида тузилган моделлар орқали қуйидаги хуносаларга келинди:

- кўп сонли обьектлар кузатилади, натижада эркли даражалар сонини ортишига сабаб бўлади ва танланма баҳосини “эфектив”лиги яхшиланади;
- ҳам вақтли қаторларни таҳлил қилишда ҳам маконга оид маълумотларни таҳлил қилишда иложсиз пайдо бўладиган агрегатларга оид силжишлар бартараф этилади;
- турли обьектларни динамикасини кузатиш имконияти яратилади;
- кўпгина муҳим иқтисодий масалаларни таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1] lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси сайти.
- [2] www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси сайти.
- [3] bls.gov – United State Bureau of labor statistics
- [4] isr.umich.edu – PSID – University of Michigan
- [5] cpc.unc.edu – UNC Carolina Population Center
- [6] И.И.Елесеева “Эконометрика”, Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2007 г.
- [7] Damodar N.Gujarati “Basic Econometrics” fourth edition, 2004